

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 1-noyabr, shanba № 87 (15829)

## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини Орол бўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Унда БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ерости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақа-

вий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислам Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилятларни юксак пардаларда тараққий этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга кўшган улкан ҳиссасини инobatга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- шоираниннг ўзбек тилида «Сайланма» асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърини тўпламларини;
- «Зулфия замондошлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 октябрь

### «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли меҳмонлар! Муҳтарам конференция иштирокчилари!

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни кутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли олим ва экспертларни кутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озик-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овлар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан

бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги гоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгига батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қуйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрлаши даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизини илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида қисми ўрнида ҳосил

бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур худуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фоҳиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг Орол фоҳиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар кун суви ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узок давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

«Kamolot» loyihalari

### «Yangi Nigoh» — видеороликлар танлови



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мазкур танлови иштирокчиларига онлайн овоз бериш жараёни бошланди

Илк маротаба ўтказилаётган мазкур танлов кенг жамоатчиликка юртимиз сайёҳлик салохиятини ёшларнинг ижодий ғояларини креатив нигоҳи орқали кўрсатиб беришга қаратилган. Креативлик лойиҳаниннг ўзида ҳам бор. Ташкилотчилар бой маънавий, маданий ва тарихий меросимизни асраб-авайлашда бугунги ёшлар учун энг мақбул восита — медиа маҳсулотлардан фойдаланишни таклиф қилмоқда. Улар ичида таъсирлиси, шубҳасиз, видеороликдир.

Санокли дақиқалар ичида Ўзбекистоннинг паловидан тортиб кўҳна кент ва ёдгорликлари, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизакор

жойлари ҳақида ҳикоя қилиш озмунча маҳорат, меҳнат талаб қилади, дейсизми? Бироқ Ватанини жондан азиз кўрувчи тенгдошларимиз учун бу иш қийин эмас.

Атиги бир ой давомида юртимизнинг кўпгина манзилларидан «Янги нигоҳ» танловида 300дан ортиқ видеоролик тақдим этилди. Этиборлиси, ижодий ишларнинг деярли барчаси ҳаваскорлар томонидан тайёрланган. Муаллифлар эса асосан мактаб ва академик лицей, касбухона коллежи ўқувчиларидан иборат.

(Давоми 4-саҳифада)

# «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инкирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсири, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

**Биринчидан** — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

**Иккинчидан** — Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармогини кенг ривожлантириш;

**Учинчидан** — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантурувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини

ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилмасиз;

**Тўртинчидан** — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш гоят долзарб эканини эътироф этаётганидан даллат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизини ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан

зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга руҳсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислон тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очиқ тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор дав-

латларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касбухона коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдиридан ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Хурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур хурмат билан,

**Ислон КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти,**  
**Оролни қутқариш халқаро**  
**жамғармаси раиси**

## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеурожаатида дунёдаги кенг кўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказётган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Боконванинг анжуман катнашчиларига йўлаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Кристиан Фриис Бах, БМТ Тараққиёт дастури администраторининг ўринбосари Ойша Жаҳон Султоноғлу, ЭСКАТО ижрочи котиби ўринбосари Шун-ичи Мурата, Осиё тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти бошлиғи Акмал Сиддик, Ислон тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ҳишам Маъруф ва бошқалар Орол инкирози ўзининг экологик-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатлари бўйича Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишига, ушбу ҳудуд аҳолисининг саломатлиги, генофонди ва келажагига бевосита хавф солаётганини таъкидлади. Экологик бўҳрон чегараси кенгайиб бораётган бир шароитда Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътибори жалб этилмаса, янада кенг ҳалокатли тус олиши мумкин. Конференцияда Орол денгизи қуриши-

нинг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан хўжасизларча, ўйламасдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди.

Орол денгизининг Фарбдан Шарққа эсадиган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу аэрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит ифлослишини оқибатларини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов юксак минбарларда минтақа доирасидан алақачон чиқиб улгурган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь куни БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгашни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳволни яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаётир. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлар, чунончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари химоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сув-

дан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувида фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мисол учун, «Амударё дельтасида кичик кўллар барпо этиш» лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқни химоя қиладиган 45 километрлик дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сигимга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сунгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик кўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу кўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инкирози таъсир кўрсатган ҳудудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Қўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нуқсон билан тутилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ кўмагида ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳам-

корлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011 — 2015 йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

— Жаҳон банки ушбу дастурни амалга оширишда иштирок этмоқда, — деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сарож Кумар Жа. — Дастур Орол денгизи ҳавзасида экология ва сув хўжалиги билан боғлиқ аҳволни яхшилаш, барқарор ривожланишга эришишга қаратилган. Жаҳон банки томонидан миллий ва минтақавий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган инвестициялар умумий миқдори бугун 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур халқаро конференция ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаш ва минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда барча манфаатдор томонлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Анжуманнинг секция мажлисларида экологик оғир ҳудудларда яшаётган аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рағбат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳокама этилди.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида ушбу конференция юксак савияда ташкил этилганини юқори баҳолади ва тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилишга ишонч билдирди.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
**ЎЗА махсус мухбири**

## Muhokamadagi mavzu

Болалар билан дилдан гаплашмоқни истасангиз, уларни юракдан севинг, — дейди буюк болалар ёзувчиси Жонатан Свифт. — Улар ҳақида бирор нарса ёзмоқчи бўлсангиз, болаликка қайтиб, ўша дунёда яшанг, то асарингизга сўнги нукта кўйилгунича!

## Болалар ОАВ фаолияти: ЮТУҚЛАР, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ёзувчи ҳақ гапни айтган. Бу мавзуда қалам тебратаётган ҳар қандай ижодкор, хоҳ у ёзувчи, шоир, хоҳ у публицист бўлсин, албатта, болаларни дилдан яхши кўриши, болалар тилида самимий ёзиб, гапира олиши керак.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ўтказилган «Болалар оммавий ахборот воситалари фаолияти: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзудаги давра суҳбатида бу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатида болалар мавзуини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, масъулияти ва вазифаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ушбу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида маъруза қилди. У ўз сўзида мамлакатимизда болалар ва ёшларга йўналтирилган саксонга яқин босма нашрлар мавжудлигини ва уларда болалар ҳаётининг қандай ёритилиши хусусида фикр билдирди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Салим Дониёров жорий йилда болалар ва ёшлар газеталарининг мазмунига алоҳида тўхталди. Жиззах вилоятининг «Зиёкор

садоси» газетасида ёшлар ва болалар мавзуларига кенг ўрин берилганини таъкидлаб ўтди. «Навоий ёшлари» газетасида эса бу мавзуга оид мақолалардаги айрим камчиликларга изоҳ берди.

Тадбирда «ОАВнинг болалар тарбиясидаги ўрни», «Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда телевидениенинг роли», «Тахририятларда ёш мухбирлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари» мавзуларида маърузалар тингланди.

— Менга «Тонг юлдузи» газетаси ёқади, — дейди Тошкент шаҳридаги 113-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Лазиза Мухторова. — Унда қизиқарли эртақлар, шеърлар, топишмоқлар берилди.

— Баъзан биз, болаларга бағишлаб ёзилган мақолаларни тушунмаймиз, — дейди Мадинабону Абдужамилова. — Тили жуда мураккаб. Шу боис бундай материалларни ўқийвермаймиз. Мақолалар содда, аммо маъноли, таъсирли ёзилишини истаймиз.

Давра суҳбатида болалар журналистикасини ривожлантириш масалалари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, Ҳаракат фаоллари, болалар ва ёшларга мўлжалланган ОАВ бош муҳаррирлари, журналистлар қатнашди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишни кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини, аҳоли бандлиги таъминланишини назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон

Республикаси қонунлари киритилмоқда. Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва ишбилармонлик муҳитини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни назарда тутган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати**

## Xabarlar

## Спорт дўстлаштиради...

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида мини футбол мусобақаси ўтказилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент молия институтига

қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи ёшлар ўзаро беллашди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёшлик кубоги» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмун ўтказишга

қўмаклашиш, олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Мусобақа сўнггида фаол иштирок этган ва голиб жамоаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

**Муҳиба АРСЛОНОВА,**  
ЎзДЖТУ талабаси

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА КУЗАТУВЧИНИНГ ЎРНИ

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, юртимизда сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ташкил қилинади.

Сайлов жараёнида иштирок этадиган ҳар бир фуқаро сайлов комиссияларининг таркиби, манзили, иш вақтига оид маълумотларни, депутатликка номзод шахслар, уларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига оид ахборотларни олиш, излаш ва тарқатиш ҳамда ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эга. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

сига сайловлар тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш пайтида ошкораликни таъминлаш мақсадида сиёсий партиялардан депутатликка номзоди кўрсатилган шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда ҳамда сайлов куни овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санашда қатнашишларини кўзда тутди.

Миллий қонунчилигимизга асосан, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кузатувчи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, рўйхатга олинган номзодлар-

ни кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳар бири кузатувчиларни тайинлаш ҳуқуқига эга.

Сайлов жараёнида кузатувчи бўлиш кишидан катта масъулият ва фаолликни талаб этади. Кузатувчи сиёсий жиҳатдан билимдон, ташаббускор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, сайлов қонунчилигини яхши билиши керак. Унинг вазифаси сайлов жараёнининг адолатли ўтишини таъминлашга қўмаклашишдан иборат. Кузатувчи сайлов жараёнининг ҳолис, ошқора ташкил этиш ва ўтказилишига объектив баҳо бериши лозим.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича жамоатчилик кузатувини амалга ошириш ҳуқуқи депутатлик ўринлари номзод этиб рўйхатга олинганларга, улар-

нинг ишончли вакилларига, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан белгиланган кузатувчиларга, оммавий ахборот воситалари вакилларига, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига берилган.

Ҳар бир ташкилот ўз кузатувчиларини сайлов комиссияларига сайловга ўн беш кун қолгунга қадар маълум қилиши керак. Шундан сўнг округ сайлов комиссиялари беш кун ичида белгиланган намунадаги мандатни кузатувчиларга топширади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга кўра, кузатувчи участка сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияси мажлислари-



да қатнашиш, кути, муҳр ва сайлов бюллетенларини тарқатишни кузатиш, овозларни санашда ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги баённомалар нусхаларини қонунда белгиланган тартибда сўраш ва олиш, сайлов жараёнида қонун бузилишга гувоҳ бўлса, бу ҳақида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
«Turkiston» мухбири

# «Yangi Nigoh» — видеороликлар танлови



(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Танлов шартига кўра, видеосарларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, экотуристлик имкониятлари акс эттирилиши,

кура илмий-амалий маркази мутахассисларидан ташкил топган нуфузли ҳакамлар ҳайъати шакллантирилди.

Экспертлар саралаган 21та иш айна вақтда очик овоз бериш учун [www.videotanlov.uz](http://www.videotanlov.uz) сайтига жойлаштирилган. Кун кеча «Янги нигоҳ»нинг якуний босқичи юзасидан видеоконференция ташкил этилди. Унда «Камолот» ЁИХ барча ҳудудий кенгашлари етакчи ва фаолла-

қилдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши қошидаги «Ёшлар медиа маркази» ходими, ёш дастурчи Алишер Тожиев. — Ҳозир унда нафақат танлов иштирокчиларининг ишлари, балки хорижий телекомпаниялар биз ҳақимизда тайёрлаган фильм, видеоролик ва кўрсатувлар, шунингдек, юртимиз киноижодкорлари томонидан суратга олинган видеофильмларни ҳам томоша қилиш мумкин. «Медиа» рукнида юртимиз тарихию мадания-

ларга шу йилнинг 5 ноябрга қадар фақат бир марта овоз бериш мумкин. Жамоатчилик танлови асосида ҳар бир йўналиш бўйича учтадан голиб аниқланади. Танлов совриндорларини тақдирлаш маросими 8 — 10 ноябрь кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтади. Ижодкор ёшларнинг ўзига хос ва бетакрор байрамига айланиши кутилаётган мазкур тадбирга жами 150 нафар иқтидорли ўғил-қиз тақлиф қилинган.

— Меҳмонлар учун қизиқарли дастур тайёрлаб қўйдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Замоनावий иншоотлар қад ростлаган Урганч шаҳри, кўҳна Хивадаги Ичанқалъа мажмуаси, вилоятимиздаги бир қатор экологик объектларга саёҳатлар, биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов уй-музеи ҳамда авлодлари билан танишув, дунёга машҳур Маъмур академиясига ташриф, миллий таомлар ва либослар фестиваллари шулар жумласидан. Умид қиламанки, «Янги



**Баҳодир Ганиев,**  
**«Камолот» ёшлар**  
**ижтимоий ҳаракати**  
**Марказий Кенгаши**  
**раиси:**

— «Янги нигоҳ» ёшларнинг ижодий парвози учун янги имкониятдир. Танловда иштирок этаётган ҳар бир йигит-қиз она юрти, шаҳар ё қишлоғини бутун дунёга машҳур қилиши мумкин. «Камолот» эса ҳамisha улар билан бирга. Марҳамат, азизлар, видеороликлар танловида иқтидорингизни намойён этинг. Ватан минбари — сизларники!



**Фаррух Ризаев,**  
**«Ўзбектуризм» Миллий компанияси раиси:**

— Ўзбекистон катта туристик салоҳиятга эга давлат. Бу йўлда биз жадал ривожланимиз. Албатта, юртимизнинг тарихини, табиатини, маданий меросини ёш авлод вакиллари яхши билиши, қадрлаши, асрамоғи даркор. Ўлкамизда кишини ҳайратда қолдирадиган, кўпчиликка маълум бўлмаган табиат мўъжизалари, меъморий осори-атиқалар, археологик ёдгорликлар талайгина. Уларни тарғиб қилиш керак. Шу жиҳатдан «Янги нигоҳ» видеороликлар танлови алоҳида аҳамият касб этишига ишонаман.

миллий қадрият ҳамда урф-одатларимиз тарғиб қилиниши, республикамиз ҳудудидаги муҳофаза қилинадиган табиий ёдгорликлар намойён этилиши керак. Булардан ташқари, танлов доирасида «Видеоролик сценарийси учун энг яхши ғоя» номинацияси ҳам жорий қилинган.

Видеороликларни баҳолаш учун дастлаб Ҳаракат томонидан «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Фанлар академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва маф-

ри реал вақт шароитида пойтахт билан боғланиб, лойиҳа ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Тадбир доирасида [www.videotanlov.uz](http://www.videotanlov.uz) сайтининг тақдироти ҳам ўтказилди.

тига бағишланган энг сара адабиётлар ва мақолалар жамланган. Қолаверса, истаган киши Ўзбекистон туристик имкониятлари ҳақида ўз видеомаҳсулотини яратиб, сайтга жойлашти-

**Олим Тошбоев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари:**

— «Янги нигоҳ» видеороликлар танловининг ўтказилиши мамлакатимизда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларимизнинг туристик салоҳиятини ошириш, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенг тарғиб қилиш бўйича қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Шу орқали ўсиб келаётган ёш авлод вакиллариининг ўз юрти тарихига қизиқишини ошириш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлашга ўргатиш бўйича қилинаётган ишларнинг узвийлиги таъминланди, деб ўйлайман.

— Сайтни интернет фойдаланувчиларини Ўзбекистон билан таништирувчи ёрқин, замонавий ва қизиқарли медиа манбага айлантиришга ҳаракат

ра олади. Бунинг учун «Мобил мухбир» рукнини очганмиз. Ҳаммаси қулай ва осон.

«Янги нигоҳ» танловида қатнашаётган видеоролик-

нигоҳ» ёшларда бир умрлик унутилмас таассурот қолдиради.

Видеоконференцияда танловда ўз ишлари билан қатнашаёт-



ган ёшларга ҳам сўз берилди. Термизнинг «Жануб дарвозаси», қорақалпоқ туяларининг ноёб юнги, Навоийдаги мева берадиган 15 асрлик тут дарахтию фарғоналик 10 яшар болакайнинг палов дамлаши ҳақидаги бир-бирдан ажойиб видеороликларни яратган бу тенгдошларимизнинг топқирлигига қойил қоласан, киши. Яхшиси, ўзингиз кўриб баҳо беринг.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Sening tengdoshing

# Ташаббускор тарғиботчи

Ҳозир болалик даврини эсласа, Элёрнинг қалбини беғубор ҳислар чулғаб олади. Ёш дўстлари унинг яна қандай янги ўйин ўйлаб топгани ҳақида кўпроқ қизиқарди. Албатта, Элёр уларни «куруқ» қўймасди: турли ўйинларни ўргатиб қолмай, шеър, монолог деганларини маромида ўқиб берадиди, бунинг бари Элёрнинг ҳаётида бора-бора ижтимоийлик касб эта бошлади. Мактаб давридаёқ турли тадбир, танловларда қатнашиб, «Камолот»чиларнинг назарига тушди.

Қаҳрамонимиз Элёр Норпўлатов 1994 йили Жиззах туманида туғилган. Дастлаб у 14 ёшида тумандаги «Камалак» болалар ташкилотининг «Соғлом авлод» йўналиши сардори, бир йил ўтиб вилоятда «Камалак» болалар ташкилоти Сардорлар кенгашининг раиси, сўнг «Ватанпарвар» йўналиши сардори вазифаларида фаолият олиб борди. Ҳозирда у фаолиятини «Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти кенгаши қошидаги «Фаол ёшлар» мактаби бош сардори сифатида давом эттирмоқда. Шу билан бирга Жиззах политехника институти талабаси ҳамдир.

Тиниб-тинчимас бу йигитнинг айтса, арзиғулик ишлари жуда кўп. У Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида «Ёшлар орасида орттирилган иммунитет вируси (ОИВ), орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС), гиёҳвандлик ва турли йўллар орқали юқиш касаллигининг олдини олиш»

лойиҳаси координатори сифатида ҳам иш олиб боради. У республика микёсида ўтказилган турли танловларда фахрли ўринларни эгаллаб, «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси», «Энг фаол етакчи» каби номинациялар совриндори бўлган.

Айтмоқчи бўлганимиз, эндиликда Элёр ёшлар ўртасида ўтказиладиган турли оммавий тадбир ва лойиҳаларга, кўрик-танловларга ўзи муаллиф бўлмоқда.

Ҳозир у 20 ёшда. Болалик давридаги одатлари ҳали ҳам қолмаган. Илгари маҳалласидаги тўрт-беш тенгқурини тўплаб ўйинларга «муаллиф»лик қилган бўлса, эндиликда «Камолот» атрофида бирлашган ёшлар ўртасидаги тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Унинг ғояси билан ўтказилган тадбирлар жуда кўп. Яқинда «AKFA lighting» компанияси билан ҳамкорликда «Ёшлар ЭКОхаётни танлайди» лойиҳаси дои-

расида ўтказган ёшлар акцияси иштирокчиларга жуда манзур бўлди. Ушбу акцияда вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларидаги талаба-ёшлар иштирок этди. Акция доирасида экология ҳамда соғлом турмуш тарзига оид жами 9та бекат ташкил этилди.

Ушбу акция орқали Элёрнинг янгиликка чанқоқлиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги намойён бўлди.

Дастлаб «ЭКО сурат» бекатида табиат манзараси тасвирланган сурат бўлакчаларга бўлинди. Икки дақиқа вақт оралиғида иштирокчилар ушбу бўлакчаларни бирлаштирди. Бўлакчаларни йиғиш давомида иштирокчиларга экологияга оид тезкор саволлар берилди. Суратни сифатли ва тез тўплаган иштирокчига «Э» номли калит сўзи берилди. Шундан сўнг иштирокчилар кейинги бекатга йўл олди.

Иккинчи — «Қадам-бақадам» бекатида тренер томонидан ерга калит сўзлари яширинган йўлакчалар қўйилди. Иштирокчилар йўлакчалардаги махфий сўзларга бирин-кетин қадам қўйди ва ушбу сўзларга таъриф берди.

Масалан, биринчи махфий сўзга «Тежамкорлик» сўзи бекитилган бўлса,

унга иштирокчи ўз фикрини билдиради. Шартни муваффақиятли бажарган иштирокчига «К» номли калит сўзи берилди.

«ЭКО манзарани тасвирла!» бекатида иштирокчилар бир уринишда экологик манзарани қоғоздан қаламни узмаган ҳолда тасвирлади. Бир дақиқа вақт давомида шартни муваффақиятли бажарган иштирокчига «О» номли калит сўзи берилди...

Тадбирда «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари ва сардорлари иштирокида «Она табиатни асрайлик» мавзусида асфальтга расм чизиш танлови ўтказилди. Акция якунида фаол иштирок этган ҳамда асфальтга расм чизиш танловида голиб бўлган ёшлар тақдирланганч, гала-концерт намойиш этилди. Вилоятнинг танлиқли ёш эстрада хонандалари, «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови иштирокчилари ўзларининг куй-қўшиқлари ва ажойиб чиқишлари билан акцияга янада кўтаринкилик бахш этди. Гала-концерт жараёнида экология ҳамда табиатни асраб-авайлашга оид викторина ўйинлари ҳам ўтказилди. Викторинада фаол иштирок этган ёшларга ҳомийларнинг махсус совғалари топширилди.

Ҳа, Элёр Норпўлатов бош-қош бўлган лойиҳалар ана шундай қизиқарли ва жозибалидир. Унинг бошқа ёшларга ташаббускорлик хислати билан ўрнатилган бўлаётганига биз ҳам ҳавас қилдик.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Davlat mukofoti sohiblari

Ойбек Турғунов:

## «Олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз!»

Юртбошимиз Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бу заҳматкаш касб эгаларига йўллаган табрикларидан бирида «инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекиёс эканини» алоҳида таъкидлаган эдилар.

— Камтарона хизматларимизни юксак баҳолаб, шундай мукофотга муносиб кўрган давлатимиз раҳбаридан миннатдорман, — дейди Ойбек Турғунов. — Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий спортимиз том маънода юксалди. Авваллари санокли юртдошларимиз халқаро аренага чиқар, шунинг ўзи ҳам биз учун оламшумул воқеадек қабул қилинар эди. Юртбошимиз раҳнамолигида биз, спорт аҳли учун дунёга йўл очилди. Баъзан бугунги ёш авлод вакиллари, шогирдларимизга вақтида халқаро мусобақаларда қатнашининг ўзи биз учун жуда катта орзу бўлган, десам ҳайратланади. Чунки минг шукри, улар учун бугун барча имкониятлар яратилган. Футболимиз ривожини йўлида қанча ишлар қилинапти, бу борада Президентимиз қарорлари қабул қилинган. Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларига кўнгилдагидек тайёргарлик кўриши учун амалга оширилаётган чора-тадбирларни олинг. Қайси давлатда шундай эъти-

бор ва ғамхўрликни кўргансиз? Уларда мусобақа ўтказилади, фақат энг яхшилар аниқланади ва тақдирланади, кейин фақат ўша голиблар билан тайёргарлик кўрилади. Қолганлар қолаверади. Бизда эса мақсад бошқачароқ. Биз ўз олдимизга фақат чемпионларни тарбиялашни, улар орқали жаҳондаги обрў-эътиборимизни мустақкамлаб олишнигина кўзламаймиз. Бизнинг мақсадимиз фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишдир. Улар жисмонан соғлом, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб камол топсин, деймиз. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари ана шу улғувор мақсадларда ташкил этилган. Дикқат қилган бўлсангиз, уларда иштирок этган ҳеч бир ўғил-қиз рағбатсиз қолмайди. Ният эзгу бўлса, Яратган ҳам қўллар экан. Мана шу буюк истак билан қилинган ишлар самарасини спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятлари тимсолида кўриб турибмиз.

1979 — 1984 йилларда Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)да таҳсил олган қаҳрамонимиз 1988 йили оғир атлетика бўйича «Халқаро тоифадаги спорт устаси» меъёрини бажарган. 2009



йилдан қизлар, 2010 йилдан ўсмирлар ҳамда 2011 йилдан катталар бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи. 2004 йилдан Андижон олимпия заҳиралари коллежида хизмат қилади.

Ойбек Турғунов мураббийлик фаолияти давомида кўплаб спортчиларни кашф этди, чемпионларни тарбиялади. Жонкуяр устоз, мана, қарийб ўттиз йилдан буён оғир атлетикани янада оммалаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Руслан Нуриддинов, Манзура Мамасолиева, Фиёс Аҳмедов, Шерзод Маъруфжонов, Ганна Пуставарова, Зиёвутдин Қутбиддинов, Машхурбек Йўлдошев, Омадой Отақузиёва, Мунаввар Низомжонова, Даврон Кенжаев, Моҳинур Тожиаҳмедова, Нигора Исманова, Нозима Низомжонова ҳамда Файзулло Набиев каби шогирдлари номи спорт мухлисларига яхши таниш. Улар шайнига кўп бора жаҳон ва Осиё чемпионатла-

ри, халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган.

— Устоз ва мураббийлар тўғрисида гап кетганда, аввало, биринчи мураббийим Ойбек ака Турғуновни тилга оламан, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси, бир неча бор Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатлари соvrиндори Манзура Мамасолиева. — Мураббийим ёрдамида профессионал спортчи бўлиб танилдим. Халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиляпман. У кишининг берган сабоқлари, ўғитлари туфайли шу даражага эришдим.

Шогирдлар ютуғини кўриш ҳам устоз учун катта бахт эканини Ойбек ака билан суҳбатда янада те-

## Mulohaza

## Мумий қиёранинг кушангаси

унга қарши жиддий курашмоқ жоиз

Глобаллашув жараёнининг баъзи ижобий жиҳатларидан кўз юммаган ҳолда айтиш мумкинки, унинг миллатлар тақдири, миллий қиёфаларга салбий таъсири ҳам сезиларли равишда ошиб бормоқда. Оддийгина ҳолат: кулоқ-бурнига, айримлари ҳатто киндигига зиракнамо тақинчоқни илдирганча, бутун дунёни унутгандай бепарво, лоқайд юриб кетаётган ёшларни кўп учратамиз. Разм солсангиз, туппа-тузук одамларнинг фарзандларига ўхшайди, бироқ аслида ҳам шундаймикан, деган иштибоҳга борасиз. Ўғил ёки қизининг мана шундай юриш-туришига йўл қўйиб берган ота-она ҳақида нима дейиш мумкин?

Ҳаёт ўзи синовлардан иборат. XXI аср ҳам миллатлар ҳаётида турли синовлар даври бўлмоқда. Гох на аёллиги, на эркаклиги маълум бўлган қўшиқчи дунё сахнасида туриб барчага ибрат қилиб кўрсатилади. Бир спортчи рақиб дарвозасига гол киритгач, экран орқали миллионлаб болаларга таънасидаги татуировкаларини кўз-кўз қилади. Бу ёқда ўзимизнинг «ҳофизча»лар ҳам жим турмайди. Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши, деганларидек, ҳаёлига келган сўзни қайтармай нагма қилаётгани етмаганидек, чет эллик ҳамкасбларидан «ўрناق» олиб, клиплари орқали ўзларини, бойликларини, яна бошқа ночор қирраларини очик-ошкор намоён этади.

Бир қараганда, бу манзараларнинг ҳеч қандай салбий томони йўқдек. Ўша кимлиги номаълум европалик қўшиқчи ёки спортчи билан ўзимизнинг чала ҳофиз ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик кўринмайдигандек. Лекин уларни умумлаштириб турадиган бир кўринмас жиҳат бор: бу — маданият ниқобидаги маданиятсизликдир. Уларни ким, нимага, қайси мақсадларни кўзлаб тарғиб қилаётгани бу — иккинчи масала. «Оммавий маданият» тарғиботчиларига бизга тегманглар, мақсадларининг бошқа жойда амалга оширинглар, дейиш фойдасиз. Энг яхши йўл уларга қарши маърифат билан курашишдир. Масалан, ўша бемаза қўшиқларни биров қўшиқ ҳам демайди, уни куйлаган одамни санъаткор ҳисобламайди, қачонки, унинг ёнида ҳақиқий санъат асари юксак кадрланса ва тарғиб қилинса. Бугун мамлакатимизда санъат ва адабиётга, маданиятга, умуман, маънавиятга берилаётган юксак эътибор замирида ҳам худди ана шу мақсад мужассам экани ҳеч кимга сир эмас.

Истиқлол йилларида «фаол фуқаролик позицияси» деган ажойиб истилоҳ тез-тез кулоққа чалинадиган бўлди. Бу жумланинг тагида жуда катта гап бор. Бу одамларни огоҳликка, ҳушёрликка, сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ишларга, воқеа-ҳодисаларга ҳаммиша фаоллик билан муносабатда бўлишга ундайди. Хусусан, «оммавий маданият»нинг илдиз отмаслиги, унга қарши муносиб кураша олиш ҳам мана шу фаолликка боғлиқдир.

Ёшларнинг менталитетимизга ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга фаол жалб этиш, бир сўз билан айтганда, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш барчамизнинг бурчимиз.

Шохрух ДОНИЁРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги масъул ходими

## Ma'rifat

## «Infolib — 2014» — кутубхонлар байрами

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилган «Infolib — 2014» учинчи Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги яқунланди.

Ҳафталик доирасида китоб кўргазмалари, ёзувчи, мусикашунос, режиссёр, тарихчи, археолог ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари, расом ва фотограflар кўргазмалари, кинофильмлар намойиши, ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, санъат ва адабиёт соҳасидаги билимларини бойитиш, коммуникатив кўникмаларини янада яхшилашга қаратилган мастер-класс, шунингдек, хорижлик мутахассислар иштирокида семинар-тренинг ҳамда турли танловлар бўлиб ўтди.

— Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигида мунтазам иштирок этиб келаман, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Азиз Омонов. — Ҳафталик доирасида мутахассислар билан суҳбатларда кўп маълумотга эга бўлдим. Айниқса, кулолчилик намуналари кўргазмасини томоша қилиб, бу ҳунарни ўрганишга қизиқиб қолдим.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг ташкил этилиши ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини янада яхшилаш, ахборот қидиришда илгор технология ва тажрибаларни ёшлар ўртасида оммалаштириш, уларда маълумот олиш маданиятини янада шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,  
«Turkiston» муҳбири

2014-yil — Sogʻlom bola yili

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

...Сўлим хиёбон гавжум. Саранжом-саришта йўлаклардан кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади. Тўрт-беш ўсмир йигит-қиз хиёбоннинг кўздан панароқ четида суҳбат куриб ўтирибди. Беихтиёр уларнинг хатти-харакатини кузатдим.

Бир қиз сигарет тутатмоқда. Икки ўспирин йигит ва икки қиз уни кузатиб турибди. Чекаётган қиз қўлидаги сигаретини дам-бадам тенгдошларига узатиб, уларни ҳам чекишга ундайди. Ёшларнинг бу ҳаракати катталарнинг эътиборини тортди. Урта ёшли бир аёл уларга танбех берди. Ёшларнинг орасидан бир йигит қўлидаги сигаретини чиқинди кутисига олиб бориб ташлади.

Рухшунос мутахассисларнинг таъкидлашича, ўсмирлар барча воқеа-ходисаларга қизиқиш билан қарайди. Ушбу даврда организм ҳали тўлиқ шаклланимагани сабабли салбий иллатларга мойиллик ҳам катта ёшдагиларга қараганда бир неча баробар кучлироқ бўлади. Шу боис чекадиганларнинг аксарияти ўсмир ёшидан оқ сигарет таъминоти татиб кўриб, сўнг унга қарам бўлиб қолади. Ана шундай омиллар туфайли дунёда ҳар йили ярим миллион инсон чекувчига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, бугунги кунда дунёда 1,3 миллиарддан ортиқ киши кашандаликка ружу қўйган ва ҳар йили ушбу иллат келтириб чиқарадиган касалликлар туфайли 5 миллиондан зиёд одам ҳаётдан кўз юммоқда.

Шифокорларнинг таъкидлашича, тамаки тутуни таркибда организмга турлича таъсир кўрсатувчи кўпгина ингридиентлар мавжуд. Катрон (смола) ва углерод оксиди — асосий патоген омиллардир. Катрон ҳиқилдоқ, ўпка раки ва бошқа ўпка касалликлари ривожланишига сабабчи бўлади. Углерод оксиди қоннинг ксилород ташувчанлик хусусиятини пасайтиради, тўқималарга ксилород келишини издан чиқаради ва чекиш билан боғлиқ юрак касалликларининг ривожланишига олиб келади.

Тиббий хулосаларга кўра,

чекувчи аёллар эркакларга қараганда тамакидан икки баробар кўп зарарланади. Бунга аёлнинг нозик хилқат, бўлғуси она экани асосий сабабдир. Сигарет аёлнинг ҳуснига салбий таъсир қилади. Репродуктив тизимлар фаолиятига жиддий зарар етказади. Шу боис бундай оналарда ҳомила тушиш ҳолатлари кўп кузатилади, туғилган болалар хаста ва нимжон бўлади.

Бутун дунёда тамаки чекишнинг олдини олиш бўйича ўзига хос чора-тадбирлар амалга оширилади, доимий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Масалан, Европа давлатларидаги баъзи идораларда чекувчилар ишга олиниши тақиқланган.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган узлуксиз чора-тадбирлар жараёнида бундай глобал муаммоларга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу масала келажак авлодлар камолотида дахлдордир. Мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилган. 2011 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар янада кенгайди.

Бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тизимли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётир. Жойларда фаолият юритаётган бирламчи тиббиёт муассасалари оилавий шифокорлари ва патронаж ҳамширалар хонадонларда соғлом турмуш тарғиботини юритиш, ёшларни

ичиш, чекиш, гиёҳвандлик каби салбий иллатлардан асраш борасида узлуксиз чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Мактабларда махсус фанлар орқали ўқувчиларга соғлом турмуш тарзи талаблари мукамал ўргатилаётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида мувофиқ, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланган. Ушбу қонунда белгиланган устувор йўналишларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Бу йўналишдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Мазкур йўналишда ташкил этилаётган «Ёшлар — чекишга қарши!» лойиҳаси доирасида жойларда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, маҳаллалардаги йигит-қизлар иштирокида кўплаб тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўтказилган ана шундай тадбирларга тўрт юз мингдан зиёд ёш қамраб олинди. «Тенгдош — тенгдошга» таъминоти асосида ташкил этилган ушбу тадбирларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат мураббийлар ўз тенгдошларига замонавий интерфаол услублардан фойдаланган ҳолда чекишнинг инсон саломатлиги ва келажак насллар камолотида салбий таъсири ҳақида сўзлаб берди. Маҳаллалар, таълим муассасалари, оромгоҳлар, жамоат транспортларида ичкиликбозлик ва тамаки чекиш каби иллатларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув қўлланмалари, буклетлар ва кўргазмалар тарғибот воситалари аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тарқатилмоқда. Шу билан бир қаторда, амалга оширилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирларининг мониторинги юритилмоқда.

Бевосита тамаки маҳсулотлари сотиладиган жойлар

да тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Сотувчилар алкоголли маҳсулотлар тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш ҳақидаги қонуннинг моҳияти ва мақсади тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлаётир. Бундай маҳсулотлар сотиладиган жойларга чекишнинг зарари ҳақидаги ахборот ва мазкур қонундан кўчирмалар, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ишонч телефонлари рақами ёзилган плакатлар илинган.

Бу йўналишда тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш маҳаллаларимиз фаолиятининг ҳам устувор йўналишини ташкил этади. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлимидан маълум қилишларича, пойтахтимиз маҳаллаларида жорий йилнинг тўққиз ойида уч мингга яқин тарғибот тадбири ташкил этилган. Бу жараёнга бир юз ўттиз мингдан кўпроқ аҳоли, жумладан, ёшлар қамраб олинган.

Ҳеч бир инсон ўз-ўзидан кашандалик домига илинмайди. Бунга кўпинча оилада фарзанд тарбиясига етарли эътибор берилмаслиги ва теварак-атрофдаги муҳит сабаб бўлади.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳудуддаги мактаб ўқитувчилари бир ўқувчини кашандалик йўлидан қайтаришда кўмак сўраб мурожаат қилишди. Маҳалла фаоллари қизнинг оиласидаги муҳитни ўрганди. Унинг ота-онасини қизининг хатти-харакатидан огоҳлантирди. Мактаб ўқитувчилари қизнинг аълочи, фаол тенгдошларини бу жараёнга жалб этди. «Оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги туфайли қиз чекишни ташлаб, соғлом турмуш тарзини танлади.

— Ёшларнинг салбий иллатлар домига илинишида теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири катта бўлади, — дейди ушбу маҳалла диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Ақромхўжаева. — Оилада ота ёки онанинг чекиши ёки жамоат жойларида

сигарет тутатаётган катталарнинг хатти-харакати ўсмирларнинг эътиборини тортмай қолмайди. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойлари (тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ёки хоналар бундан мустасно)да, шунингдек, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Бундан кўзланган мақсад инсон саломатлигини муҳофазалаш, кашандаликнинг олдини олиш, ёшларни бундай салбий иллатлар таъсиридан асраш, экологик муҳит мусоффолигини таъминлашдир. Ушбу вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш жамоат тузилмалари, жумладан, маҳаллалар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу борада маҳалла фаолларидан тузилган жамоатчилик гуруҳи ҳудудлардаги таълим муассасалари, дам олиш масканлари ва спорт майдончаларида қонунчилигимизда ушбу йўналишда белгиланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жамоатчилик назорати ва тарғибот ишларини олиб бораётир. Шунинг баробарида, ёшларни бундай иллатлар таъсиридан асраш мақсадида «Оила-мактаб-маҳалла» концепцияси асосида кенг қамровли тарғибот ишлари, соғлом турмуш тарзига йўналтирилган тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Бундай кенг қамровли ишлар туфайли ёшлар ўртасида салбий иллатларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шу йўл билан келажак насллар камолотида раҳна соладиган кашандалик деб аталмиш иллат ёйилишининг олдини олиш, фарзандларимизни ҳам бу йўлда собитқадамликка ўргатиш, халқимизнинг соғлом турмуш тарзига оид эзгу қадриятлари бардавомлигини таъминлашга эришамиз.

**Баҳор ҲИДИРОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

Hech kim mehr-e'tibordan chetda emas

## Самимий туйғулар изҳори

Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйида «Болалар — юрт пойдевори» деб номланган адабий-муסיқий тадбир бўлиб ўтди. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилди.



— Болалар қалбида энг эзгу, самимий туйғулар она Ватан, дўстлик, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи шеър, куй-қўшиқлар орқали уйғонади. Юртни севиш, эъзозлаш билан бирга санъат ва адабиётга ҳавас уйғотиш улар даврасида ўтказиладиган ҳар қандай тадбирнинг бош мақсади бўлиши керак, деб ўйлайман, — дейди Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хурсанд Холова.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нуриддин Аминжон, Мансур Қурёзов бадиий раҳбарлигидаги «Жайхун» кўғирчоқ театри, «Нихол» мукофоти совриндори Қаҳрамон Фуломжонов ва «Ҳавас» оилавий гуруҳи иштирок этган тадбир болаларда катта таассурот қолдирди.

Республика «Баркамол авлод» болалар техник-ижодиёти маркази қошидаги «Турон» болалар спорт жамоаси ҳам ўз дастурларини намойиш этди.



**Вазира ИБРОҲИМОВА,**  
**ЎЗДЖТУ талабаси**

## Navqiron avlod so'zi

## Бузғунчи Ғояларга йўл бермайлик

Президентимизнинг доно ва одил сиёсати натижасида юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, қалбимизда хотиржамлик, порлоқ келажакка ишонч бор. Бугунги дорилон кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг ортида жуда катта меҳнат ва матонат, давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб қилинган салмоқли ишлар ётибди.

Замонавий дунёга назар солайлик. Бир пайтлар кучли давлатлар ўзга ҳудудларни забт этиш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилган бўлса, бугунга келиб, сайёрамизнинг ҳар қарич ерида инсон онги ва тафаккурини эгаллаш учун кураш авж олган. Шундай вазиятдан ҳаётда ҳали ўз ўрнини топмаган ёшларни бир қарашда мафтункор, аслида эса ҳалокат сари бошлайдиган ғоялар томон эргаштириш илинжидаги ғаразли кимсалар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Тарбияда бой берилган имкониятлар эса ёвуз ниятли кучлар учун қўл келиши, шубҳасиз. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш, ёшлар қалбини эгаллаб олиш учун ҳар қандай усул ва воситаларни ишга солади. «Оммавий маданият» ниқоби остида яширинган бузғунчи кимсалар эндиликда ички оламимизга тажовуз қилган ҳолда бизни асрлар оша безавол сақланган ахлоқ ва маданиятимиз, маънавий меъросимиз, миллий қадриятлардан бегоналаштирмоқчи.

Афсуски, ораимизда зўравонлик ва ахлоқсизлик сиртмоғига илинган, турли медиа воситалар, айниқса, маданиятимизга зид урф-одатлар, ижтимоий тармоқлар таъсирида тўғри йўлдан адашган, ўз келажagini нобуд қилиб, баъзан ҳатто ҳаётига нуқта қўйган ёшлар йўқ эмас.

Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига тўқликка-шўхлик қилаётган айрим ёшларга ажабланасан, киши. Узоққа бормайлик, кўшни Афғонистон ёки Яқин Шарқ ва Шарқий Европанинг айрим давлатларидаги аҳволни бир кўринг. Тараққиёт ва тинчликка раҳна солувчи намойишлар, безорилик ва ғалаёнлар айнан ёшлар муҳитида уйғониб, авж олаётгани ва қандай хунук оқибатларга олиб келаётганини тушуниш қийин эмас. Ҳар қайси мамлакатнинг

равнақи унда камол топаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, ҳар томонлама етуқ, билимли, Ватанига содиқ ва фидойи, баркамол шахс бўлиб тарбияланишига бевосита боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ёшларнинг эркин ва фаровон ҳаётига таҳдид солаётган ҳамда миллийлигимизга ёт, бегона ғояларни илдизи билан тугатишда «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» тушунчаси билан курашга интилиш ҳисси инсон қалбидаги соғлом эътиқод, унинг онгидаги соғлом дунёқараш шаклланишидан, у эндиликда ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятига эга бўлганидан далолат беради.

Истиқлолга эришилган даврда яхши умид ва ниятлар билан экилган навнихоллар ҳозирги кунга келиб ўз мевасини бермоқ-

да. Бунинг натижасида кўплаб ўғил-қизлар халқаро фан олимпиадалари, халқаро спорт мусобақаларида, санъат, таълим, маданият бўйича ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, кўлга киритган улкан ғалабалари билан Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёда тараннум этмоқдалар.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топиши, Юртбошимизнинг «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!» деган даъватига амал қилиш учун биз, ёшлар билимли, дунёқараш кенг, маънан юксак инсонлар бўлишимиз шарт!

**Файзихон ИБРОҲИМОВА,**  
**Марғилон шаҳридаги**  
**1-тиббёт коллежи ўқувчиси,**  
**«Камолот» стипендияси соҳиби**

## 2014-yil — Soғ'lom bola yili

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом она – соғлом бола» ҳаракатини изчил ривожлантириш, ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол, интеллектуал салоҳияти юқори йигит-қизлар қилиб тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

## Соғлом бўлиб улғаямиз

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғинида ўқувчи-ёшлар иштирокида «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Жамғарма қошидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадари вакиллари маҳаллалар ва қишлоқларда аҳоли, айниқса, вояга етмаган ўғил-қизларга эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тушунтириб, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш тўғрисида фойдали тиббий маслаҳатлар берди.

2014 йилнинг ўтган ойлари давомида тиббий-ижтимоий патронаж тизими орқали тиббий кўриклар давомида хотин-қизлар кўмитаси аъзолари билан ҳамкорликда болалар, ўсмирлар ва аёллар учун тиббиётдаги долзарб масала ва муаммолар хусусида аҳоли ўртасида «Репродуктив саломатлик», «Йод танқислиги касалликлари», «Аёлларда кўп учрайдиган саратон касалликлари», «Ўсмир қизлар орасида репродуктив саломатликни сақлаш ва ўсмир қизлар гигиенаси», «Болалардаги туғма аномалиялар сабаблари», «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «Қандли диабет», «Инфекцион ва паразитар касалликларнинг профилактикаси» сингари мавзуларда маърузалар қилиниб, давра суҳбатлари ўтказилди.

Тадбир доирасида жамғарма қошидаги Тиббий-ижтимоий марказнинг педиатр, гинеколог, офтальмолог, отолоринголог каби малакали шифокорлари ҳамда туман марказий кўптармоқли поликлиникасининг эндокринолог, невропатолог сингари тор мутахассислари ёрдамида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилиб, маҳалла ва қишлоқлардаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳамда аёллар ва болалар УТТ, ЭКГ ва лаборатория текширувларидан ўтказилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Мисли ниҳол нарВариши

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб, миллат фидойиси, келажакнинг муносиб давомчиси сифатида вояга етказишда нафақат ота-она, шу билан бирга таълим муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли «Баҳор» соғломлаштириш мактабгача таълим муассасасида ҳам уч ёшдан етти ёшгача бўлган юз нафар болажон тарбияланмоқда. Бу ерда вилоят бўйича гепатит вируси билан оғриган болалар тарбияланиб, уларнинг соғлиги шифокорлар томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Мана шу мурғак қалб эгаларининг ҳам шўх-шодон қийқиригида ҳаётга меҳр мужассам.

Тарбиячилар уларнинг атрофида парвона. Болажонларни соғлом ва баркамол, зеҳнли, билимдон ва зукко қилиб тарбиялаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ушбу таълим масканининг бошқалардан фарқи жиҳати шундаки, бу ерда гепатит вируси билан оғриган болаларнинг саломатлиги тўлиқ тиклангунга қадар назоратда бўлади. Уларнинг саломатлигини тиклашда, маънан ва руҳан баркамол бўлишида тарбиячиларнинг, шифокор ва ҳамшираларнинг меҳнати алоҳида. Мазкур таълим муассасасидаги кичкинтойларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва са-

ломатлигини доимий назорат қилиб бориш вазифаси ҳудуддаги оилавий поликлиника педиатрларининг зиммасида.

Муассаса вилоят миқёсидаги ягона соғломлаштириш маскани бўлгани боис болажонларнинг эллиқ фоизи ётоқ тизимида тарбияланади. Уларнинг дам олиши учун мўлжалланган, барча шароитга эга ётоқхонада уч сменада тарбиячи ва ҳамшираларнинг навбатчилиги ташкил этилган. Кичкинтойларнинг овқатланиши ҳам қатъий тартиб асосида олиб борилади. Мевалар ва мева шарбатлари, фойдали дамламалар эса тарбияланувчиларнинг иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тарбияланувчилар эрталабки бадантарбия машқларидан сўнг амалиёт тўғрақлари ва машғулотларга киришади. Бешта гуруҳда ҳам индивидуал тарзда амалий машғулотлар олиб борилади. Театр, кўғирчоқ, расм ва инглиз тили тўғрақлари болаларнинг сеvimли машғулотига айланган.

Муассасада «Болажон» Давлат дастури бўйича нутқ ўстириш,



ҳарфларни тўғри ўқиш, сўзларни равон айтиш, нутқда эркинлик кўникмаларини ҳосил қилиш, АКТ ва кўргазмали воситалар орқали тасаввурни кенгайтириш, табиат, ҳайвонот ва ўсимлик олами билан танишув, табиатни севиш ва унга зарар етказмаслик сабоқлари ўргатилади. Тарқатма материаллар асосида дарсларда топқирлик, ҳозиржавоблик қобилияти чархланиб, топишмоқ, мақол, тез айтишлар ёд олинади. Китоб ўқиш, актёрлик, шахмат-шашка тўғрақлари, ақлни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўйинлар ҳам муассаса таълим дастуридан ўрин олган.

— Бу ердаги барча тарбияланувчилар ўз боламдек бўлиб қолган, — дейди муассаса мудири Раъно Ҳазраткулова. — Уларнинг ҳар бир ҳаракати доимий назоратимизда. Айниқса, ётоқхоналар ҳарорати. Негаки, хоналардаги ҳарорат ўз меъёрида ушлаб турилмаса, болалар безовта бўлиши мумкин. Муассаса ходимларининг барчаси

болажон ва жонкуяр. Улар ўз зиммасидаги вазифани қанчалик масъулиятли эканини яхши билади.

— Икки ёшимда касал бўлиб қолганман. Ҳозир эса ҳеч қаерим безовта қилмайди. Богчамиз менга жуда ёқади, тарбиячи опаларимиз меҳрибон. Ҳамшира опаларим эса ҳар куни саломатлигимизни текширади. Бу ерда ҳар хил ўйинлар ўйнаймиз. Инглиз тилида йигирмагача санашни ўргандим, расм чизиш энг сеvimли машғулотига айланди, — дейди беш ёшли тарбияланувчи Ҳасанжон.

Бола ёлғон гапирмайди. Чунки боланинг кўзи дунёни борлигича кўради. У бамисоли новда, эгсанг эгилади, тўғри ўстирсанг, тўғрига қараб ўсади. Зеро, бугун таълим-тарбия берилган ёш қалб эгаси эртанги кун эгасидир. Шунинг учун болалик беғубор, ортга қайтмай жилваланиб оқувчи мусаффо тоғжилғасига ўхшайди.

**Марям АҲМЕДОВА**

## Biznesga ilk qadam



Қаршилик Суннат Карамов жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Оилавий корхонасида МДФ ҳамда алюминий профелли эшик-ромлар ишлаб чиқармоқда. Маҳсулоти арзон ва сифатли бўлгани учун ҳам бозори чакқон.

Ҳозир ёш тадбиркор йирик буюртмани бажармоқда — шартнома асосида вилоятда барпо этилаётган намунавий тураржойлар учун замонавий эшик-ромлар тайёрлашга киришган.

— Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати то-

монидан ўтказилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловида ғолиб бўлдим. Имтиёз сифатида менга банкдан 33 миллион сўм миқдорда кредит олиш имкони берилди. Бу маблағга янги ускуна харид қилмоқчиман. Маҳсулотлар турини кўпайтириб, мебель жиҳозлари, касаначилик асосида сандиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Хусусий корхона очиб, яна беш нафар хунарманд йигитни ишга қабул қилиш ниятим бор.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Bilib qo'yg'an yaxshi

## Муסיқа сеҳри

Жуда қадимдан араб шифокорлари ҳам муסיқада илоҳий кўз борлигини, унинг инсон танасига тез таъсир этишини аниқлаб, беморларни тоғлиқ асбоблари ёрдамида даволаган. Шифохоналарга тез-тез соғандалар тақдир этилган.



Кайковус ўзининг машҳур «Қобуснома» асарида ўғлига насиҳат қилиб, куйидагиларни ёзган: «Агар эшитувчи қизил юзлик, мошғуруч соқол бўлса, муסיқа асбобининг иккинчи торида чалгил, агар сариқ юзли бўлса, (муסיқани) бум торида чалгил, агар қора ёзли, савдойи, ориқ бўлса, кўпроқ уд торида чалгил, агар бадани оқ ва семиз ҳамда нам бўлса, йўғон торда чалгил».

Ҳақиқатан, кишининг туйғулари ҳам маълум тарбияга, камол топиши учун махсус парваришга, мунтазам машқларга муҳтож. Инсон ҳаётида, айниқса муסיқанинг аҳамияти катта. Муסיқа таъсирида киши ғоят нозик ва теран ҳиссиётларни, ўткир эҳтиросларни бошдан кечиради. Инсоният қадимдан муסיқанинг турли туйғуларини кўзга тутиш хусусиятларидан фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанрлар олдидан муסיқа руҳни кўтарган, жасоратга шайлаган. Ҳозирги кунда ҳам Африканинг баъзи қабилаларида муסיқа ёрдамида овчилар шундай матонат касб этадиларки, шерлар билан тик олишиб, уларни енгадилар, жароҳатланганда эса ҳатто, оғриқни сезмайдилар.

Муסיқанинг жозибadorлиги ҳақида даҳолар ҳам тарих саҳифаларида ўз фикрларини билдирган. Алишер Навоий бундай дейди: «Эй, Навоий топти мутриб созидан кўнглум наво. Гўйиё жон раштасига тегди мизроби анинг».

Америкалик олим Френк Флуднинг айтишига қараганда, муסיқа юраги хаста кишиларда хуш кайфият тугдираркан. Ёқимли куй улардаги тушкунлик руҳини йўқотиб, фавқулodда бўлган ваҳима ва хавотирни бартараф этишга ёрдам бераркан.

Муסיқа дори-дармон ўрнини бемалол босиши мумкин. Шу маънода, шифокорлар классик муסיқани тавсия қиладилар. Ўзбек мумтоз куй ва қўшиқларидан таралган мақом оҳанглари, машҳур хонандалар Турғун Алиматовнинг танбурда чалган куйлари, Абдуҳошим Исмоиловнинг гижжақда ижро этган муסיқалари, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Таввақал Қодиров, Фахриддин Умаров, Комилжон Баротов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва бошқа кўплаб мумтоз муסיқамиз ижрочилари куйлаб ўтган қўшиқлар инсонда фавқулodда ажиб ҳиссиётларни тўлқинлантириб юбориши шубҳасиз.

### ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Аёллар ёки болаларнинг энг юқори хонандалик овози нима деб аталади?

Жавобингизни 4 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Абу Абдуллоҳ Хоразмий.

Тафаккур қилмондан бир қатра

Ҳар на яхшилиқ қилсанг, қилки юрт учун,  
Ўзингдан орттир-у ўзгага бермак учун.

Ҳайдар Хоразмий

## Олимпиадага учун трамплин

8 — 16 ноябрь кунлари Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади.



Терма жамоамиз мураббийлари ва федерация раҳбарлари бўлажак чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, 7 нафар эркек ва 5 нафар аёл спортчимиз ғолиблик учун курашади.

Этиборлиси, таркибдан ўсмирлар олимпиадасининг бронза медали соҳиби Адҳам Эргашев, жаҳон чемпионати ғолиби Руслан Нуриддинов каби тажрибали атлетларимиз ўрин олган. Шунингдек, эркеклар ўртасида Ўзбекистон чемпионлари Достон Якубов, Муҳаммад Бегалиев, Улуғбек Алимов,

Сардор Дўстмуродов, Иван Ефремов терма жамоага жалб қилинган бўлса, аёллар ўртасида Махлиё Тоғаева, Лола Қодирова, Марина Сисоева, Фарангиз Шомуродова, Манзура Мамасолиева каби атлетларимиз бош мураббий Баҳром Абдумаликов бошчилигида мусобақага қизгин ҳозирлик кўряпти.

Эслатиб ўтамиз, ушбу чемпионатда ғолиб бўлган спортчилар 2016 йил Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритади.

Мазкур нуфузли турнир яқинда Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилиши кутилаётган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси таркибини аниқлашга асос бўлади.

Баҳром ҚАМБАРОВ



«ОБУНА — 2015»  
Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг наслиқдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

## Каратэ усталари пойтахтга

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бошланди. Унда тўққиз юз нафарга яқин спортчи иштирок этмоқда. Каратэ усталари орасида Фафуржон Зоҳидов, Барно Мирзаева, Ҳилола Бадалова сингари йигит ва қизлар бор.

Turkiston

МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов  
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир хайъати

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Назокат  
Қурбонниёзова

Саҳифаловчи

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-1156.  
Адади — 6162  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Тоширилди — 22.30  
ЎЗА якуни — 22.25

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5